



2018 йил 10 декабрь

Бухоро шаҳри

№ 651

**Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Вилоятда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида, вилоят ҳокимининг 2018 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақидаги 410-сонли қарорига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг таркиби 1-иловага;

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши (Ф.Аминов)га кенгаш фаолиятини мазкур Низом талаблари асосида ташкил этиш, фуқароларнинг, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (Х.Тўраев), жамоатчилик кенгаши котиби (Х.Рўзиев)га вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши ва унинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатларда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ёритиб бориш юклатилсин.

4. Вилоят телерадиокомпанияси (Ф.Аминов), “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталари таҳририяти (Ш.Сулаймонов)га жамоатчилик кенгашининг фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати вилоят ҳокимининг ўринбосари З.Ҳидоятлов зиммасига юклатилсин.